

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Қахва ҳақида



Фил тезагидан қахва



Фил қахва истеъмол килганда, унинг ошкозон кислотаси қахвани аччик киладиган оксилни парчалайди. Натижада юмшок ичимлик олинади. Албатта, фил қахваси хазил мавзусига айланди: "кофе деръмоччино", "охирги тезаккача яхши", "фил тезаги қахваси".

Тайланд шимолидаги яшил тепаликларда 20 та фил подаси дунёдаги энг киммат кофелардан бирини «ишлаб чикаради».

Тупрокли хид ва юмшок таъмга эга бўлган бу екзотик янги ичимлик Таиланд филлари еган доналардан тайёрланади ва эртаси куни фил тезагидан олинади.

Филнинг ичакларида содир бўладиган реакциялар кофега навни яратувчиси ўзига хос таъм деб атаган нарсани беради.

Бу кофе - жиркантирадиган ёки галати тарзда ўзига жалб киладиган кофе - нафакат дунёдаги энг ноодатий кофе турларидан бири, балки энг кимматларидан биридир. Унинг бир килограмми 1100 доллар туради.

Хозирча Black Ivory деб аталадиган бу қахвани факат бойлар ёки кўп саёхат килувчилар татиб кўришлари мумкин. Бир ой олдин у дунёнинг чекка бурчакларидаги бир нечта киммат меҳмонхоналарда пайдо бўлди. Аввал шимолий Таиландда, кейин Мальдив оролларида, кейин эса Абу-Дабида бир финжон қахва тахминан 50 доллар туради. Associated Press муҳбирлари "Олтин учбурчак"га – тарихан кофедан кучлирок дори воситалари ишлаб чиқарилиши билан машхур бўлган, янги ичимлик тайёрланаётган худудга, хартумлиларни иш жойида кўриш ва нафис финжонда тайёр маҳсулотни татиб кўриш учун борди.

Таиланд, Лаос ва Бирма чегарасидаги туманли тогларда қахва яратувчи биологик тадқикот маълумотларига таяниб, асосий саволга жавоб берди: нима учун айнан филлар?

"Фил кофе истеъмол килганда, унинг ошкозон кислотаси қахвани аччик киладиган оксилини парчалайди. Натижада одатдаги аччиклиги бўлмаган юмшок ичимлик пайдо бўлади", - дейди Black Ivory яратиш учун 300 минг доллар сарфлаган Блейк Динкин. Бу "сивет кофеси" ёки "копи лувак" – сассиқўзанга ўхшаш сиветнинг нажасидан олинган яна бир ўта киммат кофе навининг ўзига хос аналогидир. Бирок, кучли фил ошкозони қахвага маҳсус хусусиятларни беради.

Фил жонли секин пиширгич курилмага ўхшайди. У донларни 15-30 соат давомида хазм килади. Ва улар банан, шакаркамиш ва филнинг вегетариан емишининг бошка таркибий кисмларидан ўзига хос тупрокли ва мевали хидни сингдириб олади, дейди "сивет кофеси" билан шугулланган канадалик.

"Филнинг ошкозонида табиий ферментация жараёни содир бўлади. Бу қахвага бошка турдаги ичимликлар эга бўлмаган лаззат беради", - дейди Динкин.

Филлар подаси жойлашган ўрмон кўрикхонаси дастлаб бу гояга шубха билан караган. "Мен кофеин хакида ўйлаган биринчи нарса, филлар қахвага карам бўладими ёки йўкми эди. Мен шуни айтишим мумкинки, филларга хеч кандай зарар етказилмаяпти", дейди куткарилган филлар учун бошпана саналган Golden Triangle Asian Elephant Foundation жамгармасининг хайвонлар бўйича директори Джон Робертс.

Жамгарма қахва даромадининг 8 фоизини олади ва уни пода саломатлигига сарфлайди. Динкин жамгармага ўз таклифини юборишдан олдин лойихага канадалик ветеринарни жалб килганини, у хайвонот бодидаги филларни синовдан ўтказган ва улар хом кофе меваларидан кофеинни ўзлаштира олмаслигини аниклаганини айтди.

"Мен буни синаб кўришга карор килдим, чунки биз филларни бокиб пул ишлашнинг хар кандай усулини изляпмиз", деди Робертс. Унинг сўзларига кўра, битта филни парваришишлар ойига тахминан 1000 долларга тушади.

Қахванинг хаддан ташкари кимматлигини изохлар экан, Динкин ярим хазил билан филлар жуда самарасиз ишчилар эканлигини айтади. 1 кг Black Ivory олиш учун 33 кг янги қахва резаворлари керак бўлади. Доналарнинг аксарияти ичак харакатидан кейин чайналган, синган холда бўлади ёки «ташкари чиккандан кейин» баланд ўтларда

йўколади.

Бундан ташкари, бутун жараён жуда кўп вакт талаб этади. Black Ivory га факат кичик тогли плантациядаги махаллий кабила аёллари томонидан кўлда терилган Arabica нави тўгри келадиган. Филлар ўз ишларини бажариб бўлгач, филбонларнинг хотинлари тезакни йигиб, уни кўллари билан укалаб, қахва ажратиб олишади.

Яхшилаб ювилгач, улардан қахва доналари олинади, кейин Бангкокда куритилади.

Албатта, фил кофеси хазил мавзусига айланди. Данкин улардан бир нечтасини айтиб берди: "кофе деръмоччино", "охирги тезаккача яхши", "фил тезаги қахваси".

Хатто Голливудда бўлган Жей Лено хам бу мавзуга тўхталиб ўтди: "Кизик, ким биринчи бўлиб кофе доналарини ва фил гўнгини кўриб:" Лекин уни майдалаб иссангиз, албатта мазали бўлиб чикади" деган экан?".

Бирок, хазилни бир четга суриб кўйсак, одамлар Black Ivory ни ҳакикатда ичишади.

Биринчи партия - 70 кг - аллакачон сотилган. 2013 йилда Динкин олти баробар кўп сотишга умид килмоқда. У хикоя килишни хоҳлайдиган саргузаштларни ёқтирадиган бой харидорларга умид килади.

Хозирча Black Ivory факат бир нечта киммат Anantara меҳмонхоналарида, шу жумладан Фил жамгармаси якинидаги Олтин учбурчакда такдим этилади. Меҳмонхонанинг барида куёш ботганда бу қахвани татиб кўрган америкалик жуфтликнинг сўзларига кўра, ичимлик уларнинг кутганидан хам яхши бўлиб чиқди.

"Мен буни жирканч деб ўйлагандим, лекин менга ёқди. Бу ўзига хос нарса экан. Бу қахвада мен аниклай олмайдиган галати нарса бор", дейди Флорида штатидаги Тампа шахридан 31 ёшли Раян Нелсон.

Унинг рафикаси Эшли, биолог ва қахва жинниси, Black Ivory ни "экология ҳакида кайураётган истеъмолчи учун ажойиб маҳсулот" деб атаган, чунки бу қахва филларни химоя килишни молиялаштиришга ёрдам беради.

Лекин у кандай таъмга эга? "Жуда кизик. Гайриоддий нарса. Хайвонот боги ходими сифатида оладиган маошимга хар куни ичишга имконим йўк деб ўйлайман. Аммо мен, албатта, таътилда ичишни, бу ерда ўтиришни ва филларни томоша килишни яхши кўраман", дейди у сўзларини диккат билан танлаб.

Нажас нима?

Савол: Якинда намоз китобида «нажас» деган сўзга дуч келдим. Нажас нима дегани?

Жавоб: Нажас - инсонлар ва хайвонлар ахлати, сийдиги, кони каби ифлосликлардир.

Нажаслар икки хил - енгил ва оғир бўлади. Мол, кўй каби гўшти ейиладиган хайвонларнинг сийдиклари, карга, киргий каби гўшти ейилмайдиган кушларнинг тезаклари енгил нажасдир. Товук, гоз, ўрдак каби уй паррандаларининг тезаклари оғир нажасдир.

От ва гўшти ейиладиган хайвонларнинг гўнги, инсоннинг ва гўшти ейилмайдиган хайвонларнинг сийдиги ва ахлати оғир нажас хисобланади. Ит ва йирткич хайвонларнинг сийдиги, тезагидан ташкари сўлаги хамда кон, арок хам оғир

нажосатдир. ("Динда саволим бор" китобидан)

Абу Муслим тайёрлади